

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил сентябрь ойининг 19 куни жиноят ишлари бўйича Томди туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида бўлиб, раислик қилувчи судья А.Мирзаева, судья ёрдамчиси А.Асатовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Томди туман прокурорининг ўринбосари Д.Эргашов, жабрланувчи ва қонуний вакил Д.Шукурова ва М.Хусенова, судланувчи Д.Мирзоева ҳамда унинг ҳимоячиси – адвокат Н.Мирзаева ва қонуний вакили Г.Изатоваларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан судланувчи:

Мирзоева Дилфуза Ботировна (Mirzoyeva Dilfuza Botirovna), 1972 йил 20 мартда Кармана туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Навоий Аэропортида ишчи бўлиб ишлайди, Кармана тумани, “Маликработ” МФЙ, “Тулистон” кўчаси, 6-уй, 7-хонадонда яшайди, иш бўйича 2025 йил 2 август куни “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 август куни олганга

нисбатан 1-2108-2501/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи, жабрланувчи ва қонуний вакил ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Д.Мирзоева 2025 йил 9 июнь куни соат 09:00ларда бошқарувида бўлган “Нексия-3” русумли, давлат рақами 85 W 639 КА бўлган автомашинасини Томди тумани ҳудудидан ўтган, “Навоий-Зарафшон” йўналишидаги, халқаро аҳамиятига молик бўлган, “А-379” автомобиль йўлининг 184-км.да “Навоий” йўналишидан “Зарафшон” йўналишига томон бошқариб келаётиб, йўл шароитини инобатга олмасдан, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелда қабул қилиниб, 2022 йил 1 майда кучга кирган 172-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-бандига кўра “...ёмғир ёки қор ёғаётган вақтда ойна тозалагич ишламайдиган транспорт воситасини бошқариш” тақиқланиши ҳамда 77-банди:- Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серкатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик



билан бошқариши кераклиги, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги белгилаб ўтилган бўлса-да, ушбу йўл ҳаракати қоидаларини бузиб, ўз хулқ атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етса-да, эҳтиёткорлик чора тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилиб, қатнов қисмидаги йўл ҳолатларини инобатга олмасдан транспорт воситасини хавфсизлиги таъминланмаган тезликда бошқариб, унга ёмғир ёғиши натижасида кўриниш чекланган бўлса-да, автомашинани тўхтатиш чораларини кўрмасдан уни ўнг томонга бурган вазиятда автомашина бошқарувини эплай олмай қолиши оқибатида дастлаб қатнов қисмининг ўнг томон йўл ёқаси орқали ўнг томон чўл худудига чиқиб кетиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этиши оқибатида, мазкур автомашинада йўловчи сифатида кетаётган вояга етмаган Ш.Одилова РСТЭИАМНФ Зарафшон шаҳар СТЭБнинг 446-сонли хулосасига кўра, “Ўртача оғирликдаги тан жароҳати”, вояга етмаган И.Одилова РСТЭИАМНФ Зарафшон шаҳар СТЭБнинг 447-сонли хулосасига кўра, “Соғликни бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” ҳамда М.Холова РСТЭИАМНФ Зарафшон шаҳар СТЭБнинг 2025 йил 9 июндаги 24-сонли хулосасига кўра, йўл транспорт ҳодисаси вақтида ҳаракатда бўлган автомашинанинг салон ичи қисмларига урилиши оқибатида ўлим билан боғлиқ бўлган оғир турдаги тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Д.Мирзоева айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2025 йил 9 июнь куни ўзининг бошқарувидаги “Нексия-3” русумли автомашинада Навоий шаҳридан Зарафшон шаҳрига йўлга чиққанлигини, машинада олдинги ўриндикда опаси М.Холова ўтирганлигини, орқада эса набиралари Имона ва Шахризодалар бўлганлигини, йўлда келишда кўприкдан тушганларидан сўнг ёмғир ёға бошлаганлигини, Зарафшон шаҳрига яқинлашганида машинасининг олд ойнасига сув учганлигини, йўлни кўрмаганлигини, ойна тозалагични ишга туширса ҳам тозаламаганлигини, шундан сўнг машинани ўнг томонга буриб юборганлигини, шу вазиятда шошиб қолиб уни тўхтатиш хаёлига келмаганлигини, машина йўлдан чиқиб кетганлигини, ўзига келганида орқа ўриндикда ётганлигини, набираларини эса Зарафшон шаҳрига тез ёрдам олиб кетганлигини, опаси М.Холова машинадан ташқарида ётганлигини кўрганлигини, шу билан касалхонада ўзига келганлигини ва опасини вафот этганлигини эшитганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, йўл транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этган унинг опаси эканлигини, бўлиб ўтган нохуш воқеа бир оилада содир бўлиб, у ўз жазосини олганлигини, жабрланувчи ва қонуний вакилининг унга нисбатан ҳеч қандай



даъвоси йўқлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Мирзоева ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдирганидан ташқари, унинг айби қуйидаги далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топади.

Жумладан, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва қонуний вакил Д.Шукурова, 2025 йилнинг июнь ойи бошларида Кармана туманига бориб онаси Д.Мирзоеваникига иккита вояга етмаган қизлари Шахризода ва Имоналарни қўйиб келганлигини, 2025 йил 9 июнь куни соат 06:00 ларда онаси Д.Мирзоева Зарафшон шаҳрига бориш учун йўлга чиққанлигини айтганлигини, онаси Д.Мирзоева йўлга ўзи бошқариб юрадиган давлат рақами 85 W 639 КА бўлган “Нексия-3” автомашинасида чиққанлигини, йўлга чиқишда холаси М.Холова ҳам улар билан чиққанлигини, шу куни тахминан 09:00 лар онаси билан телефон орқали гаплашганлигини, улар светофордан ўтганлигини ва 10 дақиқаларда Зарафшон шаҳрида бўлишларини айтганлигини, холаси билан ҳам гаплашганлигини, шу билан орадан бироз ўтиб унга йўлда йўл транспорт ходисаси содир бўлгани ва қизларини касалхонага олиб келишганлигини, касалхонага келиб йўл транспорт ходисаси натижасида холаси М.Холованинг вафот этганлигини эшитганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Д.Мирзоева томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, Д.Мирзоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни билдириб берган кўрсатуви билан;

- суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва қонуний вакил М.Хусенова, марҳума М.Холова унинг онаси бўлишини, 2025 йил 9 июль куни эрталаб унга онаси йўл транспорт ходисасига учраганликларини ва Зарафшон шаҳридаги касалхонада эканликларини эшитганлигини, шундан сўнг орадан вақт ўтиб онаси М.Холова бўлган йўл транспорт ходисаси натижасида вафот этганларини билганини, кейинчалик билишича онаси 2025 йил 9 июнь куни холаси, яъни онасини сингиллари Д.Мирзоева билан холасининг “Нексия-3” русумли автомашиналарида Зарафшон шаҳрига кетганларини, улар Зарафшон шаҳрига яқинлашган вақтларида йўлда машина йўлдан чиқиб кетиб йўл транспорт ходисаси юз берганини ва натижада онаси ушбу йўл транспорт ходисаси оқибатида вафот этганини, ҳозирги кунда судланувчи Д.Мирзоева томонидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, Д.Мирзоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни билдириб берган кўрсатуви билан;

- суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Г.Иззатова, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагиларни, яъни 2023 йилда онаси Д.Мирзоева “Нексия-3” русумли автомашина сотиб олганини ва ушбу автомашинани уни номига расмийлаштирганини, ушбу автомашинага 85 W 639 КА давлат рақами олинганини, 2025 йил 9 июнь куни онаси ўзларининг “Нексия-3” русумли автомашиналарида холаси, яъни М.Холова ҳамда онаси Д.Шукурованинг икки нафар қизи билан Зарафшон шаҳрига бориш учун йўлга чиққанини, шу куни



эрталаб онаси билан гаплашганини ва уларни Зарафшон шахрига кетаётганларини билганини, сўнг онасини бошқарувидаги машина йўл транспорт ходисасига учраганлигини эшитганини, ушбу йўл транспорт ходисаси натижасида машинада бўлган холаси М.Холова вафот этган эканини, ушбу йўл транспорт ходисасида онасини ўзлари ҳам жароҳат олиб касалхонада даволаниб чиққанини, унинг номида бўлган 85 W 639 КА давлат рақамли “Нексия-3” русумли автомашина юзасидан унинг ҳеч қандай эътирози йўқлигини билдириб берган кўрсатуви билан;

- шунингдек, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотожадвали, терговга қадар текширув ҳужжатлари, РСТЭИАМНФ Зарафшон шахар бўлинмаси эксперт(лар)ининг 2025 йил 9 июндаги 24-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаси, РСТЭИАМНФ Зарафшон шахар бўлинмаси эксперт(лар)ининг 2025 йил 28 июлдаги 446-сонли ва 447-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосалари, мурдани кўздан кечириш баённомаси, Томди тумани ИИБ ЭКГнинг автотехника хулосаси, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари, тушунтириш хатлари ва жинойт иши ҳужжатларида тўпланиб, суд мажлисида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Мирзоевнинг жинойи ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг бешинчи қисмида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жинойт учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши ҳар-бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жинойтнинг ижтимоий хавфлилик даражаси қилмиш содир этилиши ҳолатлари (жинойи ниятнинг амалга оширилганлиги даражаси ва босқичлари жинойтни содир этиш усули, зарар миқдори ёки келиб чиққан оқибатлар оғирлиги, иштирокчиликда содир этилган жинойтда судланувчининг роли) билан белгиланиши лозимлиги;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жинойтлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинойтларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар



жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1, 3 ва 37-бандларида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Д.Мирзоевнинг муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланганлигини, жабрланувчи ва қонуний вакилнинг даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасида кўрсатилган жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Д.Мирзоевага жазо тайинлашда унинг муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, йўл



транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этган Д.Мирзоеванинг опаси эканлигини, бўлиб ўтган нохуш воқеа бир оилада содир бўлиб, у ўз жазосини олганлигини, жабрланувчи ва қонуний вакил томонидан унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланганлигини, оилавий ва моддий шароити ҳамда соғлиги оғирлигини, аёл киши эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, Д.Мирзоева томонидан содир этилган жиноят натижасида одам вафот этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тариқасида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни ҳамда Д.Мирзоевага нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

- иш бўйича судланувчи Д.Мирзоевага нисбатан жабрланувчи ва қонуний вакил Д.Шукурова ва М.Хусеновалар томонидан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлигини инобатга олишни;

- жабрланувчи ва қонуний вакил иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш ҳақида даъво қилмаганлиги сабабли уларга иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаролик судлов тартибида муурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни;

- Д.Мирзоевага тегишли бўлган АГ 1245438 рақамли “В” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасини Навоий вилоят ИИБ ЙҚХБ РИБга юборишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473, 497¹-497⁴-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Рахмонов Мирзоева Дилфуза Ботировна (Mirzoyeva Dilfuza Botirovna) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Д.Мирзоевага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 (икки) йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Д.Мирзоеванинг Кармана тумани, “Маликработ” МФЙ, “Гулистон” кўчаси, 6-уй, 7-хонадондаги яшаш манзилдан ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши чеклансин.

Д.Мирзоевага:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;



- Навоий вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Д.Мирзоеванинг хулқи устидан назорат олиб бориш Навоий вилояти Кармана туман ИИБ Пробаця бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Д.Мирзоевага ЖКнинг 48¹-моддаси 6-қисмига кўра, озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддати бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш жазолари ижросини таъминлаш Кармана туман ИИБ Пробаця бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати, суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Д.Мирзоевага нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича судланувчи Д.Мирзоевага нисбатан жабрланувчи ва қонуний вакил Д.Шукурова ва М.Хусеновалар томонидан моддий ва маънавий зарарлар бўйича даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи ва қонуний вакил Д.Шукурова ва М.Хусеновалар иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб бериш ҳақида даъво қилмаганлиги сабабли уларга иш бўйича етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда келгусида фуқаролик судлов тартибида мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Д.Мирзоевага тегишли бўлган АГ 1245438 рақамли “В” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси Навоий вилоят ИИБ ЙҲХБ РИБга юборилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят суди жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Мирзаева

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

